



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 40 [14.091]

Баҳоси эркин нарҳда

ПРЕЗИДЕНТ КОРОНАВИРУС БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ХАЛҚҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус муаммосига тўхталиб ўтди.

Бугунги кунга келиб ушбу хавфли инфекция 160 дан ортқ мамлакатда тарқалди. Дунё миқёсида касалланганлар сони 190 минг нафарга етди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди, 81 мингдан зиёд бемор тузалди. Эпидемия кенг ёйилиб кетгани сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилди.

Хозирда 6 мингга яқин киши карантинга олинган. Одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирлар чекланган. 16 мартдан бошлаб барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди. 80 минг талаба марказлашган ҳолда уйларида жўнатилди. Хар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот тахлил қилиниб, тезкор чоралар қўрилмоқда.

Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сиҳаттоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, химоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди. Хориждаги юрдошларимиз чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтарилмоқда. Чегараларда ҳаракат чекланди, аммо транспортда юк ташини тўхтатилгани йўқ. Мамлакатимизга қўллаб ҳорижий ва маҳаллий юк ташувчилар кирмоқда ёки чиқиб кетмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев вазият тўлиқ назорат остида эканини алоҳида таъкидлаб, халқимизга муурожаат қилди:

ҳамда бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олиш зарур. Учундан, иқтисодий таъминнинг базавий ва ҳал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш керак. Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзилли ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Тўртинчидан, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳолиимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифамиз бўлиши шарт. Бутун халқимиз аниқ билиши керак: биз корона-вирусга қарши кураш фаолиятини ошқоралик таъминини асосида олиб бораемиз. Жаҳон жамоатчилигини ҳам, халқимизни ҳам вақтида хабардор этиб бораемиз. Керакли чораларни янада кучайтираемиз. Бугун мен икки кўшни давлат – Қозоғистон ва Туркменистон раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаев ҳамда Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилиб, бу борадаги ўзаро ҳамкорлик, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш бўйича барча масалаларни келишиб олдик. Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжихат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади, деб ишонаман. Яна бир муҳим масалага барча мутасаддиларнинг эътиборини қаратмоқчиман. Сўнгги йилларда санитария-эпидемиология масаласига жиддий аҳамият бермоқдамиз. Хозирда юртимизда республика даражасидаги 2 та шифохона, 14 та вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, 216 та ҳудудий санитария-эпидемиология муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, кейинги 25 йил давомида умуман эътибор бермаганимиз учун аксариятининг моддий-техник базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жиҳозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳам айтиш ҳақиқатдир. Шу сабабли, бугунги кунда республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан ислоҳ қилиш ва фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан алоҳида қарор лойиҳаси тайёрланмоқда. Мақсуд хизматнинг асосий фаолияти тиббий ва санитар барқарорлик, жамоат саломатлигини таъминлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини ташкил этишга қаратилган. Бунинг учун вилоят ҳокимлари жойлардаги санитария-эпидемиология муассасаларини бирма-бир айланиб, лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар салоҳияти, ойлик маоши каби муаммоларни чуқур ўрганиши зарур. Икки молиявий имкониятлар асосида уларни йил охирига қадар бартараф этиш, захираларни шакллантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб, бажариш лозим. Бош вазир республика даражасидаги ва Тошкент шаҳридаги муассасаларни бирма-бир жойига чиқиб ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда ихроси учун шахсан масъул бўлади. Асосий масала – моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрларни ўқитиш, илм-фанни ривожлантириш, аҳоли саломатлиги учун маблағни аямаслигимиз зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМЕНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркменистон дўстлик, ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, кўп қиррали ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида кенгайтириш масалаларини батафсил муҳокама қилди. Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Коронавирус пандемиясига қарши самарали курашни таъминлаш ва унинг икки томонлама алоқаларга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ҳукуматлар даражасида яқин ҳамкорлик қилиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Мулоқот сўнгида Президентлар бир-бирини ҳамда қардош

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда жорий эпидемиологик вазият ҳамда ҳар икки мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича қўрилатган кенг кўламли чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди. Ушбу пандемияга қарши самарали курашиш ва эҳтимолий оқибатларни камайтириш мақсадида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш ва ўзаро мувофиқлашган ҳаракатларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди. Президентлар қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига раванқ тилаб, янги хавф-хатарларни тез фурсатда бартараф этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар. Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳор, янгиликлар ва яшариш байрами – Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий табрикладилар. Президентлар қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига раванқ тилаб, янги хавф-хатарларни тез фурсатда бартараф этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт сифатининг барқарор яшиланишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва "рақамли иқтисодиёт"ни ривожлантириш учун қўлай муҳит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Рақамли Тошкент" комплекс дастури (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш бўйича тақлифига розилик берилсин.

– Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда. Муфтият раҳбарлигида диний уламолар юртимизга тинчлик-ҳотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз яқдрилиб ва ишонимизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади. Бунинг учун, биринчи навбатда, шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишхонамизда ва борадагидан жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур. Касалликни яширмасдан, ўз вақтида муурожаат қилиш унинг олдини олишда энг самарали чорадир. Иккинчидан, озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чоралар кўриломоқда. Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент бу борадаги ишларни кучайтириши керак. Мамлакатимизда етарли даражада захира мавжуд, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Аммо кўпга келган бу балога қарши ҳаммамиз биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим. Барча давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлар, муҳтарам нурунийларимиз, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар бирлашмалари фаоллари оммавий ахборот воситалари орқали ҳолис, ҳаққоний ва кенг тушунириш ишларини кучайтиришига ишонаман. Учундан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда видеодарслар туркуми йўлга қўйилди. Телерадиоканалларимиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдали ва қизиқarli бадий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим. Ота-оналар ўз фарзандларини жаҳон ва миллий адабиётимизнинг энг ёрқин намуналари билан та-

ништиришга ҳаракат қилсалар айти мудоао бўларди. Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Хозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини "пиар қилиш"ни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринади. Шу муносабат билан жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима қайфиятга берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим. Азиз ватандошлар! Коронавирус пандемиясининг бутун дунё мамлакатлари қатори бизнинг ҳам иқтисодий таъминига салбий таъсири бўлиши табиий. Сўнгги икки ҳафтада жаҳон бозоридан нефтнинг нархи (бир баррели 60 доллардан қариб 30 долларга) кескин пасайиб кетгани оқибатида газ экспортимиз тушумлари қисқариши мумкин. Хориждаги асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари қадрсизланиши мамлакатимизга ҳам, албатта, валюта тушумини камайтиради. Хорижий туристлар сони ва тушум микдори камайиши мумкин. Булар, табиийки, ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмига таъсир қилмасдан қолмайди. Менинг топширигимга мувофиқ, Махсус ишчи гуруҳ туризм, транспорт, фармацевтика ва енгил саноат каби соҳаларга солиқ таътиллари бериш, кредитларни қайтариш мuddатини кечиктириш, кечиктирилган таъсир қарздорлик учун жазима қўлламаслик тартибинин жорий қилиш чораларини кўрмоқда. Ҳукумат қийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириши зарур. Бу жараёнда, аввало, молия ва хом ашё бозорида беқарорлик юзга келишига йўл қўймаслик лозим. Иккинчидан, молиявий барқарорликни сақлаш

марҳамат" мономаркази тажрибасини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллежда, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камидан биттадан ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Таалаб юқори бўлган касб-хунарларни эгаллаган киши ўз ишини топиб кетади. Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллаларнинг меъморий қиёфаси ва инфратузилмасини яхшилаш, баҳорги ободонлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди. Машиий чинқидиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ишларини одамлар норозилиги таъкидланган экан, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бу тизимни такомиллаштириш бўйича қатъий вазифа қўйилди. Йиғилишда қайд этилганидек, инсон саломатлигини таъминлашнинг 55 фоизини соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишга боғлиқ. Шу боис, ҳар бир киши ўқув ва шахар поликлиникасига, врачлик пунктларига тўғри овқатланиш, гигиена ва жисмоний тарбия бўйича мутахассис штатлари ажратилди. Тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, пиёда юришининг фойдасини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш ишларини "умуммиллий ҳаракат"га айлантириш зарурлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари маҳаллада маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор

МАҲАЛЛА ВА ОИЛАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 март куни маҳалла ва оила муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, Президентнинг жорий йил 18 февралдаги Фармони ва қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Йиғилишда маҳалла ва оила қўллаб-қувватлаш, жиниятчиликнинг олдини олиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича вазифалар муҳокама қилинди. – Вазир ва унинг ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари амалий ишлар ва натижадорликка ўтиши керак. Бунинг учун барча ресурс, ваколат ва шараф қилиб берилди. Бундан кейин масъуллардан ҳар бир маҳалла бўйича аниқ натижа сўралади, – деди давлатимиз раҳбари. Хар бир оила билан манзилли ишлайдиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган янги тажриба яратиш зарурлиги таъкидланди. Президент ажримлар масаласига алоҳида тўхталиб, кичик маиший сабаблар жиддий оқибатларни келтириб чиқарганини афсус билан қайд этди. Вазирлик раҳбарлари, жойлардаги мутасаддилар нотинч оилалардаги аҳолини олдиндан ўрганиб, муаммони бартараф қилиш бўйича манзилли ишлаши кераклиги қўрсатиб ўтилди. Маҳаллалар қошида бўлгуси келин-куяларни оилага тайёрлаш бўйича қисқа мuddатли ўқув курсларини ташкил этиб, уларга психологлар, обрўли отахон ва онахонларни бириктириш, "Ибратли

оила" танловини ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Юртимизда 22 мингга яқин хотин-қиз оғир турмуш шароитида яшамоқда. Улар кам таъминланган, ишсиз, уй-жойга муҳтож ва ногиронлиги бор аёллар бўлиб, ҳар бирининг муаммосига индивидуал ёндашув талаб этилади. Йиғилишда аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш, даромад топиши учун шарафли яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Касб-хунари бор ишсиз хотин-қизларга кўмаклашиш бўйича Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида бошланган тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенг жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Хотин-қизлар ўртасида бизнес лойиҳа бўйича танлов ўтказиб, ғолибларга грантлар, кредит ва жой ажратиш, мақсадили жамғармалар ҳисобидан кўмак савдо пунктлари ташкил этиб, уларни ижарага бериш, йирик савдо марказлари ва корхоналарда эҳтиёжманд аёллар тайёрлаган маҳсулотларини сотиш тизимини жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди. Бугунги кунда мамлакатимизда 1 миллион 335 мингдан зиёд ишсизлар, 125 мингдан ортқ боқувчинини йўқотган оилалар мавжуд. Шунингдек, 1 миллион 400 мингга яқин ёшлар хорижга ишлаш учун кетган. Бу инсонларнинг аксарияти касбга эга эмас. Яшнобод туманида бошланган "Ишга

қаратди. Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат марказига маҳаллаларда кутубхона, маданият уйлари, кино заллари, мусиқа ва санъат тўғрисидаги ташкил этиш, китобхоналик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. – Қалбига санъат ва китоб нури кириб борган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, – деди Шавкат Мирзиёев. Видеоселектор йиғилишида маҳаллаларда жиниятчиликни жиловланган масалалари ҳам атрофича муҳокама қилинди. Утган йили жиниятлар сони 2 минг 922 тага камайган бир пайтда 20 фоиз маҳаллада жиниятчилик сони ошган. Президент одамлар тинч-тотув яшашини учун ҳар бир маҳалланинг "қулф-қалити" бўлиши кераклигини таъкидлади. Криминаллар вазият оғир маҳаллаларда алоҳида чора-тадбирлар амалга ошириш, керак бўлса, маҳаллий бюджетдан қўшимча маблағ, куч ва воситалар жалб этиш бўйича топшириқ берилди. Таъкидланганидек, эндиликда маҳалладаги вазиятга профилактика инспектори билан Бирга Миллий гвардия ҳам бирдек жавоб беради. Шу боис, Миллий гвардиянинг ҳуқуқбузарларни аниқлаш, ушлаш, уларга чора қўриш ваколатларини такомиллаштириш зарур. Ушбу тузилма ходимлари аҳоли гавжум жойларда мустақил патруллини олиб бориши лозим. Мутасаддиларга бу борада ташкилий-ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар ҳисобот берди.

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

Уза

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Куйидагиларни назарда тутувчи "Рақамли Тошкент" комплекс дастури:

2020-2021 йилларда жорий этиладиган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

"Рақамли Тошкент" комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

2020 йилда телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

2021-2023 йилларда истиқболли ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурнинг асосий вазифаси этиб шаҳар хизматларини бошқариш, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш, йўл транспорт ва коммунал инфратузилманинг интеграциялашган ахборот муҳитини яратиш ва кейинчалик муваффақиятли тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида татбиқ этиш белгилансин.

3. Дастурга асосан **2020 йилда** куйидагилар амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин:

1 майга қадар авиа, темир йўл ва бошқа транспорт хизматларига **электрон чипталарни онлайн сотиб олиш** ягона ахборот тизимини жорий этиш;

1 сентябрга қадар барча умумтаълим мактабларида журнал ва ўқувчиларнинг қўғоз шаклида юритишни бекор қилиш ҳамда уларни электрон тарзда юритишга мўлжалланган **ягона ахборот тизимини** ишга тушириш;

1 ноябрга қадар коммунал хизматлар (табиий газ, электр энергияси, ичимлик сув ва иссиқ сув) бўйича тўловларни онлайн тўлаш ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан электрон ҳамкорлигини таъминловчи **"Менинг уйим"** ягона ахборот тизимини жорий этиш;

1 декабрга қадар **"Ягона электрон тиббий карта"** ахборот тизимини жорий этиш ва **"Электрон поликлиника"** ахборот тизимига **62 та** оилавий поликлиникани улаш.

4. Куйидагилар:

а) Тошкент шаҳар ҳокимлиги таъсисчилигида маъсулияти чекланган жамияти шаклида **Рақамли ривожланиш департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент) ташкил этилсин ва куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин: шаҳарнинг географик ахборот-таҳлил тизимини яратиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини, маълумотлар базаларини ва бошқа ахборот манбаларини ягона дастурий платформа орқали Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш**; Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот тизимларида **маълумотларнинг ҳимояси ва сақланишини таъминлаш** бўйича самарали ишларни ташкил этиш;

ахборот тизимлари ва **дастурий маҳсулотларни тижоратлаштириш**, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг кредитлари ва грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилиш;

б) Департамент тузилмасида **тармоқ Лойиҳа офислари** (кейинги ўринларда – Лойиҳа офислари) ташкил этилсин ва уларнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг **концепциялари, лойиҳа ва техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш**, тегишли йўналишлардаги ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва дастурий маҳсулотларга хизмат кўрсатиш;

шаҳар хизматларининг **рақамли маълумотларни бирхиллаштириш** ва уларнинг Дастурга интеграциялашуви, давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларида **ягона идентификатор ва таснифлагичларни жорий қилиш** ҳамда улардан фойдаланиш;

в) Департамент ҳузурида **"Рақамли пойтахт"** ахборот-таҳлил маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин ва куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

шаҳар хизматларида ахборот тизимларининг идораларо электрон ҳамкорлиги натижасида олинган **маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш**;

шаҳар атроф-муҳитини ривожлантиришда **тизимли муаммоларни аниқлаш**, шаҳар хизматлари самарадорлигини ошириш ва умуман, шаҳар муҳитини яхшилаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Департамент фаолиятини ташкил этсин, уни малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

5. Белгилансинки, Департамент ходимларига давлат бошқаруви органларининг ходимларига белгиланган иш ҳақи миқдори ҳамда қонунчиликда белгиланган қўшимча ва устамалар қўлланилади.

Тошкент шаҳар ҳокимига Департаментга мутахассисларни бир йиллик меҳнат шартномалари асосида иш ҳақини мустакил белгиланган ҳолда ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов (тендер) савдоларини ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали мустакил консалтинг ташкилотларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

Тошкент шаҳар маҳаллий **бюджети маблағлари** Департаментнинг жорий харажатларини молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Департаментнинг жорий харажатларини молиялаштириши 2020 йилда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан, 2021 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетни параметрларида назарда тутилганини таъминласин.

6. Жорий йилнинг **1 апрелидан** бошлаб куйидаги йиғимлар ва жарималар Тошкент шаҳар **маҳаллий бюджетига ўтказилсин**:

а) **тўлиқ микдорда**:

Тошкент шаҳрида **ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) ташқи рекламани жойлаштириш** (тарқатиш) ҳуқуқи учун ойлик йиғим, ташқи реклама объектлари учун реклама жойлари паспортларини беришдан тушадиган маблағлар ҳамда ташқи реклама объектларини куриш ҳуқуқи учун электрон аукцион якунлари бўйича тўланган маблағлар (аукцион савдоларини ўтказганлик учун савдо ташкилотчисига тўланадиган маблағ чегириб қолинган ҳолда);

Тошкент шаҳрида ташкил этилган йўл четида пуллик вақтинча автомобил тўхтаб туриш жойларида **тўхтаб туриш қоидалари бузилганлиги учун жарималар**;

б) Тошкент шаҳрида махсус автоматлаштирилган **фото ва видеофиксация техника воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималарнинг 80 фоизи**, қолган 20 фоизи эса – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ижро аппарати тузилмасига ахборот технологияларини жорий этиш бўйича **ҳоким ўринбосари – Департамент раҳбари** лавозими киритилсин.

Белгилансинки, вазирликлар ва бошқа давлат органлари раҳбарларининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун маъсул бўлган ўринбосарлари Департамент ва Лойиҳа офислари билан самарали ҳамкорлик қилиш учун шахсан жавобгардир.

8. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида:

Лойиҳаолди ўрганишлар, лойиҳани амалга ошириш бўйича концепция ва техник топшириқларни ишлаб чиқиш Лойиҳа офислари томонидан амалга оширилади;

Лойиҳа-техник ҳужжатларининг экспертизаси фақат Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва "Киберавфизик маркази" ДУК томонидан ўтказилади;

Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчилари ва интеграторларни жалб қилиш, улар билан шартномалар тузиш Департамент томонидан танлов орқали амалга оширилади;

Департамент ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва интеграторлар билан **1 миллиард сўмгача бўлган микдорда лойиҳалар** бўйича Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки **резидентлари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан шартнома имзолаш ҳуқуқига эга**.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда**:

ноёб идентификаторлар, каталоглар ва таснифлагичлардан фойдаланилиши бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини тўлиқ хатловдан ўтказилишини;

идораларо электрон ҳамкорлиқнинг ягона технология талаблари, стандартлари ва шакллари, шунингдек, Дастурни амалга ошириш доирасида таснифлагич ва маълумотномалар рўйхати тасдиқланишини;

амалдаги маълумотлар базалари ва дастурий маҳсулотларнинг бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини амалга ошириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларини интеграция қилиш чоралари ишлаб чиқилишини;

Департамент ва Марказга Тошкент шаҳрининг "Хавфсиз шаҳар" интеграциялашган тизимига кириш ҳуқуқи берилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда **бир ой муддатда** Мухаммад ал-Хоразми номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети негизида давлат органлари ва ташкилотларининг маъсул ходимлари – Дастур ижрочиларининг рақамли технологиялар ва дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланиш кўникмаларини босқичма-босқич ошириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. "Ўзстандарт" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 августга** қадар аппарат-дастурий комплексларни яратиш бўйича мавжуд давлат стандартлари ва техник талабларини қайта кўриб чиқсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) **2020 йил 1 сентябрдан** ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқишда давлат органлари ва ташкилотлари куйидагиларга мажбурдирлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланган **ягона технологик ечимлар, таснифлагичлар ва стандартлардан фойдаланиш**;

дастурий маҳсулотларни жорий этишда асосан **лицензиялаш чекловларидан холи ягона очик форматдаги электрон ҳужжатлардан фойдаланишни таъминлаш**;

тасдиқланган тегишли миллий стандартлар ва **техник талабларга мувофиқ** аппарат-дастурий тизимларни ўрнатилсин;

б) 2020 йил **1 майдан** давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборотни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш фақат куйидаги **ноёб идентификаторлардан фойдаланган ҳолда** амалга оширилади:

жисмоний шахслар – жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

юридик шахслар – солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

кўчмас мулк – кадастр рақами; манзиллар – географик код; транспорт воситалари – транспорт воситасининг идентификация рақами.

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тегишли йўналишларда махсус ўзига хос идентификаторлар белгиланиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2020 йил **1 майга қадар** шаҳар инфратузилмасининг ҳолати, давлат хизматларининг сифати ва аҳолини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун **"Халқ назорати" портали ва мобил иловасини ишга туширсин**.

14. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси Ўзбекистон Миллий географик ахборот тизими фаолияти доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлигига зарур картография материалларини беғараз тақдим этсин, шунингдек, кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрига кириш, кўчмас мулк объектларига географик жойлаштириш ҳисобга олган ҳолда объектнинг фазовий маълумотларини тақдим этсин.

15. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **Рақамли Тошкент вазиятлар марказини** Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, И.Каримов кўчаси, 51-бинода жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудида қуриш тўғрисидаги тақлифига **розиллик** берилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги вазиятлар марказининг қурилишини молиялаштириш учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети қўшимча даромадлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан зарур маблағларни ажратсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **бир ой муддатда** "Ўзбектелеком" АК Ахборотни қайта ишлаш марказининг технологик майдончасида Дастур лойиҳаларини жойлаштириш учун зарур сервер имкониятларини белгиланган тартибда ажратилиши таъминласин.

17. Тошкент шаҳар ҳокимлиги **бир ой муддатда**: комплекс дастур лойиҳалари амалга оширилишининг жамоатчилик назоратини ташкил этиш, лойиҳаларнинг ҳолати, иштирокчилари, молиялаштириш ва зарур ускуналарни етказиб берувчилари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш учун **очик ахборот порталини ишга туширсин**;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Дастур доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро муносабатларини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини, шунингдек, қонун ҳужжатларига киритилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича тақлифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда комплекс дастурнинг амалга оширилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

19. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини **назорат қилиш учун куйидаги механизм жорий этилсин**:

Департамент – **ҳар ҳафтада** назарда тутилган лойиҳалар ва тадбирларнинг бажарилишини назорат қилади, уларни амалга оширишда кечикиш сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокими – **ҳар ойда** Дастурнинг бажарилишини танқидий кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлифлар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири – **ҳар ойда камда бир марта** тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг Дастур бажарилиши тўғрисидаги **ахборотини эшитади** ва унинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажарилишини таъминлаш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 март



● Наманган вилояти ҳокимлиги, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, "Тоza ҳудуд" ДУК ҳамда "Мерос" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган акцияда вилоят ҳокимлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, нурунийлар ва меҳнат фахрийлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, волонтерлар, вилоят қорхона ва ташкилотлари раҳбар ва ходимлари фаол иштирок этди.

● Кува туманидаги Толмозор маҳалласидаги Жанубий Фарғона канали ўзанида соатига 300 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга гидроэлектр станциясини қуриш ишлари поёнига етди. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушиши аҳоли ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини арзон ва сифатли электр манбаи билан таъминлаш имкониятини беради. Муқобил энергия ишлаб чиқарувчи янги лойиҳалар самарадорлигини ошириш ва қўллаб-қувватлашда Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги "Ёшлар инновацион маркази"нинг амалий ёрдами кўл келмоқда. Айни кунда марказ ташаббуси билан 10 та истиқболли лойиҳани ҳаётга татиқ этиш устида иш олиб борилмоқда.

● Фарғона вилояти Бағдод туманида камбағаллик тоифасига кирувчи оилалар ва фуқароларни аниқлаш, уларни камбағалликдан чиқаришга кўмаклашувчи кооперативлар фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёшлар ана шу кооператив аъзолари сифатида фаолият олиб боради. Меҳнат стаж ва қонунда белгиланган барча имтиёзларга эга бўлади. Шунингдек, улар бепул уруғ, кўчат, минерал ўғит ва техника хизматларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиради.

● Сурхондарё вилоятида ҳам мактабгача, умумий ўрта, ўрта-махсус ва олий таълим муассасалари фаолияти карантин туфайли вақтинча тўхтатилди. Бозор, дорихона ва бошқа савдо нуқталарида озик-овқат, дори-дармон ва бошқа маҳсулотларнинг нархлари кескин ошиб кетишининг олдини олиш бўйича вилоятда ташкил этилган ишчи гуруҳ фаолият олиб бормоқда. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Термиз шаҳри ва барча туман марказларида ярмарка савдолари ташкил этилиб, 30 га яқин турдаги озик-овқат маҳсулотларининг арзонлаштирилган савдоси йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, байрам кунлари воҳа аҳолиси эҳтиёжидан ортиқ гўшт маҳсулотлари билан пойтахтимиздаги "Мироб" давхон бозори"ни узлуксиз таъминлаб туриш чоралари кўрилмоқда.

● Наманганда муддатли ҳарбий хизматга қақирилган йигитларнинг навбатдаги гуруҳи тантанали равишда кузатилди. Шу муносабат билан вилоят мудоффа ишлари бошқармасида ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари маъсуллари, ҳарбий хизматчилар, қақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитларга эсдалик совғалари ва китоблар топширилди.



● Хитойлик шифокор коронавирусга чалинган оғир беморларни даволаш усулини топганини маълум қилди. Шифокор беморларнинг вена томирларига уларнинг тўқималаридан олинган асос ҳужайраларни киритган. Шундан кейин бир неча кун ичида беморлар соғайиб кетган. Маълум қилинишича, асос ҳужайралар турли турдаги ҳужайралар сифатида ривожланиб, жароҳатлари тиклай олади. Бу даволаш усули минглаб ҳаётларни сақлаб қолиши мумкин.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Коронавирусга қарши вакцина дастлабки синовдан ўтказила бошланганини маълум қилди. Бу ҳақида Соғлиқни сақлаш ташкилоти бosh директори Тедрос Адханом Гебрейесус маълум қилди. Вируснинг генетик кетма кетлиги аниқлангандан кейин атиги 60 кун ўтби вакцинанинг дастлабки синовлари ўтказилиши бошланди.

● АҚШ президенти коронавирусга қарши курашиш учун саккиз миллиард доллардан ортиқроқ пул ажратди. Ундан ўз миллиарди вакцина ишлаб чиқишга сарфаланади. Вашингтон клиник синовлар доирасида илк иштирокчи коронавирусга қарши эҳтимолий вакцинанинг синов дозаси билан эмланди.

Спорт



МИРАЗИЗБЕК ОЛИМПИА ЎЙИНАРИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИНИ КЎЗЛАМОҚДА

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Миразизбек Мирзахалилов 3-10 март кунлари Иорданиянинг Амман шаҳрида бокс бўйича Осиё/Океания минтақалари учун Токио Олимпиадасига йўлланма берувчи турнирда голиб бўлиб, Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритди.

Фарғонанинг Кува тумани Қайрағоч қишлоғида туғилиб ўсган Миразизбек болалигидан спортга меҳр қўйди. Баҳодир Эркаев қўл остида бокснинг барча сир-асрорларини ўрганди ва тажрибасини янада оширди. У устозининг барча кўрсатмаларини астойдил бажарди. Миразизбек 2016 йил Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлган. Ўша йили Россиянинг Хант-Мансийск шаҳридаги жаҳон кубогида бронза медали билан тақдирланди. 2017-2018 йилларда Қозоғистон, Россия ва Украинада ўтган халқаро турнирларда голиб бўлди. Шунингдек, 2018 йили Жакарта шаҳри (Индонезия)да бўлиб ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритди.

2019 йил ҳам М.Мирзахалилов учун янада муваффақиятли ўтди. У дастлаб Болгариянинг София шаҳрида ўтган халқаро турнирда голиб бўлди. Таиланднинг Бангкок шаҳрида Осиё чемпионати айланди. Ёнг муҳими, Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпи-

они, дея эътироф этилди.

Президентимизнинг 2019 йил 27 сентябрдаги фармони мувофиқ, Миразизбек Мирзахалилов "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланди.

— Японияда ўтадиган Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишдек бахтга муяссар бўлганимдан хурсандман, — дейди Миразизбек. — Устозим Баҳодир Эркаев ва бошқа мураббийларим сабаб, бир спортчи орзу қиладиган барча мусобақаларда голиб бўлдим. Фақатгина Олимпия ўйинларининг олтин медали қолди. Бу эса менинг энг катта орзум. Насиб этса, Президентимиз, халқимиз ва мураббийларим ишончини оқлаб, Олимпия ўйинларида ҳам галаба қозонаман. Бу учун биз спортчиларда барча имконият бор.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда нафақат бокс, балки спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Натижада Миразизбекдек спортчилар энг нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон байроғини янада юксалтириб, Ватан шарафини улғайтмоқда.

Саида МАҲМУДОВА: СПОРТЧИЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ МУҲИМ

Бугунги кунда дунёни хавфга солаётган коронавирус (COVID-19) касаллигини юқтириб олганлар ва вафот этганлар сони ошиб бормоқда.

Айни кунларда мазкур вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида аксарият мамлакатларда оммавий сайллар, спорт мусобақалари, халқаро анжуман ва тадбирлар ўтказилиши бекор қилинмоқда.

Жумладан, коронавирус сабаб стол тенниси бўйича жорий йилнинг 22-29 март кунлари Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтиши режалаштирилган жаҳон чемпионати, 1-5 апрель кунлари Италиянинг Риччоне шаҳридаги жаҳон про-тури рейтинг мусобақаси, 21-23 апрель кунлари Эроннинг Техрон шаҳрида ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати квалификацияцион турнири ўтказилмайдиган бўлди.

Мазкур мусобақаларнинг ўтказилмаслиги натижасида спортчиларимизнинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколарини қўлга кирита олмаслиги, эндиликдаги режалар ва коронавирусдан уларни сақлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан **ЎзА** муҳбири **Ўзбекистон стол тенниси федерацияси раиси Саида МАҲМУДОВА** билан суҳбатлашди.

— **Жанубий Корея, Италия ва Эронда ўтиши керак бўлган мусобақалар қачон ва қаерда ўтказилади ҳамда бизнинг спортчиларимиз иштироки қандай бўлади?**

— Мазкур мусобақалар ўтказилмаслиги бир қатор спортчилар учун қийин вазият туғдирди. Ҳозирги кунда юқоридаги уч давлатда коронавирус жадаллик билан тарқалмоқда. Шу сабабли ҳам Халқаро стол тенниси федерацияси теннисчиларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида ушбу мусобақаларни ўтказилмасликка қарор қилди.

Спортчиларимиз иштироки ҳақида гапирадиган бўлсак, агарда ушбу мусобақалар вирусдан холи давлатларда ўтказилса, Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитаси билан маслаҳатлашган ҳолда юборилади. Бироқ биз учун энг муҳими спортчилар ва бу орқали халқимизнинг саломатлигини сақлашдир.

— **Яқинда терма жамоа аъзолари Зоҳид Кенжаев ва Римма Гуфранова Катарнинг Доха шаҳрида ўтказилган мусоба-**

қада иштирок этди. Уларнинг айни дамда аҳволи қандай?

— Римма ва Зоҳид Тошкентга қайтган кунидек тиббий кўриқдан ўтказилди. Уларнинг аҳволи яхши. Бугунга қадар уларда ҳеч қандай касаллик аниқланмади. Айни пайтда бугун жаҳонга хавф солаётган коронавирусдан спортчиларимизни сақлаш, уларнинг саломатлигини назорат қилиш мақсадида тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

— **Дарҳақиқат, бугун халқимиз саломатлигини сақлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Айтингчи, стол тенниси федерациясида спортчилар саломатлигига эътибор қандай?**

— Федерациямиз ташкил топган дастлабки йиллардан бошлаб спортчилар саломатлиги биринчи ўринга қўйилган. Ҳозир эса бу эътибор икки баробар ортган. Спортчиларимиз федерация бош шифокори томонидан ҳар куни машғулотлардан олдин тиббий кўриқдан ўтказилади.

Шунингдек, истиқболли теннисчиларимиз йилда икки маротаба Миллий олимпия қўмитаси томонидан чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилади. Кўрик натижасида аниқланган органик ёки функционал камчиликлар МОҚ мутахассислари ва бош шифокоримиз томонидан бартараф этилади.

— **Олдинда турган режалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Энг биринчи вазифа бу Олимпия ўйинларига йўлланма қўлга киритишдир. Ҳозирча Зоҳид Кенжаев ва Римма Гуфранова йўлланма олишига умид қилаяпмиз. Бироқ уларнинг рейтинг очколари учун астойдил ҳаракат қилиши керак. Афсуски, ҳозирда бир қатор рейтинг очколари берувчи мусобақалар ўтказилмайдиган бўлиб турибди. Олимпиадага эса вақт кам қолган.

Мамлакатимизда ёшлар ва хотин-қизларни спортга жалб этиш орқали уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида иқтидорли ёшларни саралаб, ўзлари хоҳлаган спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият яратиш мақсадида бир қатор оммавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жаҳоҳир ТОШХЎЖАЕВ



ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Бир гал қўлга тушсанг юз марта айбдор бўласан.

* * *

Бир дақиқа кечдан бир соат эрта афзал.

* * *

Бир йил товук бўлиб яшагандан, бир кун бургут бўлиб яшаган афзалроқдир.

* * *

Бир калима ширин сўз қилишни кинга киритар.

* * *

Бир кунга кетаётган бўлсанг, бир ҳафталик емиш ол.

* * *

Бир қувонч юзта қайғуни қува олади.

* * *

Биринчи марта алдансанг — алдоқчи, иккинчи марта алдансанг — ўзинг айбдор.

* * *

Бир оғизга икки қошиқни тикла олмайсан.

* * *

Бир одам — агар у инсонларнинг энг аълоси бўлса, — мен учун минг киши.

Гераклит

* * *

Бировникини олгунча ўзингникини берганинг яхши.

* * *

Бировнинг нуқсонини кўриб, ўзингнинг камчилигингни тугат.

* * *

Бир қўлинг билан соч, икки қўлинг билан тўпла.

* * *

Бой ўлса — пули, доно ўлса — номи қолади.

Виктор Гюго

* * *

Бой — моли билан, камбағал — орзулари билан мақтанади.

* * *

Боласиз уй — ўтсиз ўчоқ.

* * *

Бошоқ етилса — бошини эгади, но-дон бойиса — боши кеккаяди.

* * *

Бошоқ териб бой, меҳмон кутиб камбағал бўлмайсан.

* * *

Бошқалар устидан голиб бўлиш куч, ўзинг устидан голиб бўлиш — жасорат ато этади.

Лао Цзи

* * *

Боқаетган қўл тишланмайди.

* * *

Булоқ суви истаган белини букар.

* * *

“Бунинг имконияти йўқ!” — деди Сабаб.

“Бу — ақлсизлик!” — ғазабга минди Тажриба.

* * *

Тўпловчи Эркин ЭРНАЗАРОВ

ИЖОД ТЎЛҚИНИДА

Тошкент Фотосуратлар уйида rassom Лариса Кастилева ва шоғирдларининг “Ижод тўлқинида” деб номланган кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимиздаги фаслларнинг турли кўринишлари, замин неъматлари гуллар, болалар портретлари акс этган.

Экспозициядан ўрин олган “Гуллаётган дарахт”, “Наъма-так гули”, “Уфқ”, “Қишки қушлар”, “Лолақизғалдоқлар”, “Ме-валар”, “Табиат манзаралари”, “Дала гуллари”, “Қишки тонг”, “Баҳор”, “Ез”, “Дераза ортида ёмғир”, “Қишлоқ кўчаси” каби ижод намуналари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Лариса Кастилева тасвирий санъатнинг рангтаъсир жанрида ижодий ишларни чизишни бошлаганга қадар машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бадий таълимни дастлаб Либослар уйи (1994-1997 йил)да моделерлик мутахассислиги бўйича олди. Кейинчалик мактабда болаларга меҳнат таълимидан сабоқ берди. Ўз устида ишлаб, китоблар ўқиб ҳамда рассомлар билан мулоқотда бўлиб, рассомлик сирларини ўрганди.

Кўргазмада рассомнинг 40 дан ортиқ ижодий ишлари ҳамда шоғирдлари Мубинахон Махмудова (12 ёш), Никита Орлов (12 ёш) ва Комил Муротов (8 ёш) сингари жажжи мўйқалам сохибларининг 50 дан зиёд ижод намуналари санъат муҳлисларига ҳавола этилган.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намойён этишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсадида “Ёшлар кубоги” шиори остида мини-футбол тури бўйича мусобақа ташкил этилди.

ЁШЛАР БАҲСИ

Унда Юнусобод ҳамда Чилонзор туманларида жойлашган 21-22-23-сонли Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан иборат жамоалар иштирок этди.

Мусобақада 23-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари 1-уринни, 22-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари 2-уринни, 21-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари 3-уринни эгаллашди. Голиб бўлган

жамоалар қимматбаҳо со-вғалар билан тақдирланди. “Ёшлар кубоги” 1-уринни эгаллаган жамоага топширилди.

Тадбирдан мақсад ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бўш вақтини унумли ўтказиш, ёшларни спортга бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда иқтидорини намойён қилишга қаратилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган ЯТТ Абдиқо-лов Сарвар Усмонович (СТИР 511806899)га тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“STREET PIZZA” МСНҲ (СТИР 307153682)га тегишли бўлган думалоқ ва бурчак штампли муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 03.06.2016 йилда реестр рақами 008332-03 билан рўйхатдан ўтган “SILICATE GLUE BEST” МЧЖ (СТИР 304004157) таъсисчининг 19.03.2020 йилдаги № 2-қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**
Давлолат эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мuddат ичида Сергели тумани, Моҳидил кўчаси, 53-уй манзилида қабул қилинади.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”
Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқир ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Мўлжаллар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39. Манзилма: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилма: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
1210 нускада босилди.
Қўроғ бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ